

Биродарингни шахсий ҳаётига назар солаверма!

08:30 / 28.03.2022 5539

Қаерга кетяпсан?, Қачон уйланасан?, Машинангни қанчага олдинг? Ва ҳакозолар...

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кишининг ўзи учун муҳим бўлмаган нарсаларни тарк қилиши унинг Исломи чиройли эканлигидандир»**, дедилар».

Имом Термизий ривояти.

Имом Мужоҳид дедилар: «Агар биродарингни учратсанг, ундан «қаердан келяпсан?» ва «қаерга кетасан?» деб сўрамагин. Биродаринга (юриш-туриши, топиш-тутиши ва шахсий ҳаётига) кўп назар солишдан чеклангин. *Ибн Абу Шайбанинг «Мусаннаф»идан.*